

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма хукуқида
УДК:330.115:631.(575.1)


АҲМЕДОВА МАВЛУДА ШАВКАТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ
ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚ ЭТИШ
08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: А.Ҳ.Аюбжонов
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент**

Тошкент – 2022 йил



	КИРИШ	3
1- боб	ЎЗБЕКИСТОНДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНГ ИЛМИЙ - УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	10
1.1.	Республикада фермер хўжаликлари фаолиятини бошқариш ва ривожлантириш механизмлари	10
1.2.	Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-куватлаш ва самарадорлигини ошириш омиллари	26
1.3.	Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларни такомиллаштириш йўналишлари	46
	1-боб бўйича хulosалар	61
2-боб	ЎЗБЕКИСТОНДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚ ЭТИШ	64
2.1.	Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш ва моделлаштириш йўналишлари	64
2.2.	Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий статистик кўрсаткичлари ва улар гурухларининг таҳлили	79
2.3.	Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятининг статистик таҳлили	94
	2-боб бўйича хulosалар	105
3-боб	ЎЗБЕКИСТОНДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ	107
3.1	Республика фермер хўжаликлари фаолиятини кўп омилли авторегрессив эконометрик моделлаштириш	107
3.2	Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни эконометрик таҳлили	125
3.3	Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш истиқболлари	133
	3- боб бўйича хulosалар	145
	Хulosса ва таклифлар	146
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	149
	Иловалар	

КИРИШ

Мавзунинг долзарбилиги ва зарурлиги. Жаҳонда рўй берадиган ижтимоий-иктисодий жараёнлар бекарорлиги, глобал миқёсда озиқ-овқат тақчиллигининг кучайиши аҳолини меъёр даражасида хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш заруратини кучайтиromoқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Боз Ассамблеяси 2019-2028 йилларни БМТ Оиласидан фермер хўжаликлари ўн йиллиги деб эълон қилди ва барча давлатларга оиласидан фермер хўжаликларини ривожлантириш соҳасида илғор тажриба ва амалиёт билан ўзаро алмашган ҳолда давлат сиёсатини ишлаб чиқиши, такомиллаштириши ва амалга ошириш бўйича тавсиялар берди”¹. Шу нуқтаи назардан, фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда жаҳонда ер-сув ресурслари чекланганлиги шароитида фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини барқарор ўсишини таъминлаш, иктисодий ресурслар салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада саноат тармоқларига узлуксиз хом-ашё етказиб бериш, қишлоқ хўжалигига бандликни оптималлаштириш орқали ишчи кучларини бошқа тармоқларга жалб этиш, тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали ахоли турмуш даражаси ва фаровонлигини янада юксалтириш, глобал ўзгаришлар шароитида фермер хўжаликлари иктисодий фаолиятини ривожланишда эконометрик моделларнинг янги авлодини яратиш каби йўналишдаги тадқиқотлар устувор даражада бажарилмоқда.

Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, жумладан аграр соҳани модернизациялаш, янги техника ва технологияларни кенг татбиқ этиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш таркибини

¹ Страны региона разрабатывают планы развития семейных фермерских хозяйств. - <https://www.fao.org/europe/news/detail-news/ru/c/1439358/>